

Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2025 йил 16 июнь

Муборак тумани

Косон туманлараро иқтисодий судининг раиси, судья Д.С.Шарипов раислигида, судья ёрдамчиси С.Нурмуродовнинг котиблигида, даъвогар Pokiza Nurli Kelajak хусусий корхонасининг жавобгар масъулияти чекланган жамиятидан 75 000 000 сўм миқдорда тоvon пулини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни видеоконференцалоқа режимида, даъвогар вакили Д.Худжанов (13.06.2025 йилда ишончнома ва №34-сонли адвокатлик ордерига асосан) иштирокида, жиноят ишлари бўйича Муборак туман суди биносида очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

даъвогар Pokiza Nurli Kelajak хусусий корхонаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар масъулияти чекланган жамиятидан 75 000 000 сўм миқдорда тоvon пулини ундиришни сўраган.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида жавобгар вакили қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлса-да, унинг вакили иштирок этмади, даъво ариза юзасидан фикр билдирмади.

Бундай ҳолда, суд ишни Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 128, 129 ва 170-моддалари тартибида ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили судга тушунтириш бериб, даъво-аризани қўллаб қувватлаб, даъво аризани қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасининг учинчи қисмида ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи қафолатланиши белгиланган.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда иштирок этувчи тараф вакилларнинг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, Pokiza Nurli Kelajak хусусий корхонаси Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар Жайхун кўчаси 2-уйда 31.01.2023 йилда буён, давлат рўйхатидан бўлиб, “Нон, хамирдан янги тайёрланган кондолат махсулотлари, торт ва пирожная ишлаб чиқариш ва ушбу махсулотлар билан шуғулланиб келган”.

Pokiza Nurli Kelajak хусусий корхонаси ва фуқаро Ахмадов Ровшан Раҳмаджон ўғли ўртасида тузилган товар белгиси бўлган мутлоқ ҳуқуқлардан бошқа шахс ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан

19.07.2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, MGU 35324-сон товар белгисининг ҳуқуқ эгаси Pokiza Nurli Kelajak хусусий корхонаси бўлиб ҳисобланган.

Бироқ, 2024 йилнинг декабрь ойларида Қашқадарё вилоят Косон туман Косон шаҳри Натрибаланд маҳалласи Мустақиллик кўчаси 1-уйда жойлашган тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган масъулияти чекланган жамиятидан томонидан MGU 35324-сонли товар белгиси билан ўхшаш номдаги ва кўринишдаги, харидорларни адаўтириб юбориш даражасида бир хил бўлган, контрафакт қандолат маҳсулотлари улгурди ва чакана савдода сотилаётганлиги аниқланган.

Шунга кўра, даъвогар томонидан Қашқадарё вилоят Адлия бошқармасига шикоят ариза берилган. Қашқадарё вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2025 йилнинг январ ойида масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилиб савдога таклиф этилган номли ширинлик ва қандолат маҳсулотлари контрафакт маҳсулот деб топилган. Шунингдек Қашқадарё вилоят Адлия бошқармасига томонидан -сонли тақдимнома киритилган.

Кейинчалик даъвогар юқоридаги талаб билан судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1102-моддасига кўра, Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1107-моддасига кўра, Товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тўлаши шарт. Товар белгисининг эгаси товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланаётган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда товон тўлашини талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан буён матнда товар белгиси деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Шунингдек, Қонуннинг 4-моддасига кўра, Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Шунингек, 26-моддасига кўра, Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни руҳсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Ушбу 26-модданинг 4-бандига асосан Товар белгисидан унинг эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар товар белгиси эгасининг талабига кўра етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши шарт. Товар белгисининг эгаси ўзининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда товар белгисидан фойдаланаётган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўлашини талаб қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 23.06.2023 йилдаги 19-сонли “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарорининг 41-бандига асосан Судларга товар белгисини фуқаролик муомаласидаги товарларнинг этикеткаларида, ўровларида, товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларда ҳамда домен номида ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Косон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 23 апрелдаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига масъулияти чекланган жамияти томонидан фойдаланаётган белги Pokiza Nurli Kelajak хусусий корхонасининг жамланма кўринишдаги товар белгиси ўртасида ўхшашлик даражасини аниқлаш мақсадида тайинланган.

Шунга кўра тушунтириш берилган бўлиб, таққослаш жадвалига кўра, фонетик жихатдан адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги, жавобгар томонидан қонунга зид равишда фойдаланганлиги улар контрафакт хисобланиши шунингдек хулосага кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” ги Қонуни талабларини бузилишига олиб келган деб хисобланган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Юқоридагиларга асосан даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни ва ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларни жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён этилганларга асосан суд, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 66, 68, 113, 118, 128, 129, 170, 176-179, 180, 186-188, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р к и л а д и :

Даъвогарнинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар Pokiza Nurli Kelajak хусусий корхонаси фойдасига 75 000 000 сўм товон пули ва олдиндан тўланган 1 500 000 сўм давлат божи ва 37 500 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар масъулияти чекланган жамиятидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди депозитига 93 750 сўм видеоконференция харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори устидан қарор қабул қилинган кундан кейин бир ой муддат ичида Косон туманлараро иқтисодий суди орқали Қашқадарё вилоят суди иқтисодий судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қонуний кучга киргандан сўнг, апелляция шикоятни берилмаган бўлса, 6 ой муддат ичида кассация шикоят бериши мумкин.

Судья

Д.С.Шарипов

